



UZSUVTAMINOT

ИЧИМЛИК СУВНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ  
БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ

№ 28410

II-GURUH

Уйчи тумани 2022 йил



томонидан низолар бўйича ўзаро келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Истеъмолчи жойлашган манзилдаги тегишли суллар орқали ҳал қилинади.

**VIII. Форс – мажор**

**8.1.** Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилида, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жада ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар ушбу шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақта мутаносиб равишда узайтирилади.

**8.2.** Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичда бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда алоқа воситалари (телефон рақами, ижтимоий тармоқдаги профиллар ва расмий sahifalар) орқали огоҳлантириши лозим.

**8.3.** Агар форс-мажор ҳолатлари шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўн муддат тўққинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

**IX. Шартноманинг амал қилиш муддати**

9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2. Шартнома имзоланган ва газначилик бўлиналарида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирази ва "31" декабр 2022 йилгача амал қилади.

9.3. Ушбу шартномага ўзгартриши ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши шарт.

**X. Тарафларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:**

«ТАЪМИНОТЧИ»	«ИСТЕЪМОЛЧИ»
Наманган «Сувтаъминот» МЧЖ Уйчи т. булими	Манзил <u>2-сонли 7-Корпусдаги МФЙ</u>
Манзил: Уйчи Шойи Беруний кучаси 20-уй	Тел: _____, факс _____
Тел: 69-48-21-814, факс: 69-48-20-031	га/х-р <u>2340200030010001010</u>
Х/р: 22638000100306912374	Банк <u>Марказий банк</u>
Банк Наманган ш Ипотека банки	Банк коди <u>00014</u> СТИР <u>20112291</u>
Банк коди: 00223 СТИР: 200 048 456	ХХТУТ _____
ХХТУТ: 90213	Шахсий рақам _____
Рақбар <u>Шайхон О. Мамодов</u>	Шахсий х-р <u>1000028601429308761024500</u>
М.У. _____ (Ф.И.О. илмзо)	Банк <u>Марказий банк</u>
_____ 202_ й.	Банк коди <u>00014</u> СТИР <u>202238998</u>
	_____ (таъминотчи бўлиши мумкин)
	Рақбар <u>Шайхон О. Мамодов</u>
	М.У. _____ (Ф.И.О. илмзо)
	_____ 202_ й.

**Юридик ҳулоса:**

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фискаллик кодексини ва "Ҳужалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқ тузилган.

Юридиконсулт: \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » 202\_ й.

**II-гуруҳ истеъмолчиларига ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА**

2022 й. 28 декабр № 22410 -сон (шартнома имзоланган жой)

Ушбу шартномани "Наманган Сув таъминоти" МЧЖнинг Уйчи туман бўлими кейинги ўриларда "Таъминотчи" деб юритилувчи, низом асосида фаолият юригувчи шайхон О. Мамодов

(Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ ҳамда кейинги ўриларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи шахслар бир томондан, 2-сонли 7-Корпусдаги МФЙ асосида иш олиб борувчи томондан қўйидагилар ҳақида тузилган (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ иккинчи

**I. Шартнома предмети**

1.1. 20\_\_ йил учун сув етказиш хажми ушбу шартномага мувофиқ II гуруҳ истеъмолчиси (кейинги ўриларда "Истеъмолчи" деб юритилади) учун сув етказиб бериш қилмоқда.

1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун \_\_\_\_\_ сўм (+КҚС 15%), + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақини);  
1 м<sup>3</sup> оқова сув учун \_\_\_\_\_ сўм (+КҚС 15%), + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақини) ташкил қилмоқда.

Шу тариха шартноманинг умумий қиймати \_\_\_\_\_ сўми  
ташкил қилди (сумма ёзув билан). Шу жумладан, бюджет маблағларидан \_\_\_\_\_ сўми, маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм, бюджет маблағларидан \_\_\_\_\_ сўми ташкари

Истеъмолчи етказилган сув ва қабул қилинган оқова сувлар учун ҳисоб-китоблар Истеъмолчи билан (бюджет ташкилотларидан ташкари) аванс тўловлари тартибиде, белгиланган муддатда тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш шарт билан ёки Таъминотчи томонидан ҳисоб варақаси (счёт-фактуралар) тақдим этиш оқови, шунингдек, бюджет ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигининг ҳудудий бўлимлари орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилишга ўтказилган маблағлар билан Таъминотчи тақдим этилган счёт-фактуралар бўйича амалга оширилади.

1.2. Таъминотчи Истеъмолчинини сифатли (O'zDSt 950:2011) давлат стандартига мувофиқ) ичимлик суви билан таъминлаш ва Истеъмолчидан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Истеъмолчи Таъминотчига, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни кейинги ой учун, агар ҳисобда етарли миқдорда оқовдан тўлови мавжуд бўлмаса, ҳар ойнинг 10 санасигача 70 фонзлик оқовдан хак тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га (кейинчалик матнда – Қондалар деб юритилади) риоя этиши, шунингдек, Истеъмолчи, Таъминотчи томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув тизимига уланishi учун руҳсат эгувчи ҳужжатларга риоя қилиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган махсус устама ҳақини 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун \_\_\_\_\_ сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова сув хизмати учун \_\_\_\_\_ сўм тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**II. Умумий қондалар**

2.1. Истеъмолчи Таъминотчи руҳсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, илшоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланishiга руҳсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. Истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўлган низолар Таъминотчи томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар Истеъмолчи ва унга уланган субистеъмолчи турли гуруҳ истеъмолчиларига мансуб бўлса, Таъминотчи билан шартномани Истеъмолчи ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва суви хисобга олиш асосини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.



Истеъмолчи (субистеъмолчи)га берилган ичимлик сув ҳажми учун тўловлар Таъминотчи, уларнинг суви хисобга олиш асоси кўрсаткичлари бўйича ва улар мансуб бўлган гуруҳ учун белгиланган тарифлар асосида туланади.

Таъминотчи билан шартнома туздан Истеъмолчи ўзи мансуб гуруҳдаги субистеъмолчиларга уланган бўлса, субистеъмолчиларга сўзлаб берилган сув ва чиқарилган оқова суви хажмлари учун тўловлар асосий истеъмолчи билан, у мансуб бўлган гуруҳ учун белгиланган тарифлар асосида амалга оширилади.

Уз навбатига, Истеъмолчи, ўзи илгари суви учун Таъминотчи амалдаги тарифлар асосида тўловларни амалга оширишда субистеъмолчиларга етказиб берилган сув хажмларини ҳам иносбатга олган ҳолда хисоб-киتاب қилади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахтларни сугориш учун фойдаланилишига қуйидаги истисно ҳолатларда:

а) ирригация суви бўлмаганда,  
б) таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жалвал бўйича, факат тунги вақтда (соат 00-00 дан соат 05-00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова суви хизматида Истеъмолчи хўжалик-истеъмол, маънавий эҳтиёж ва ёнгирилиш учури ҳамда технология ва ишлаб чиқариш жараёни учун фойдаланади.

2.6. Суви хисобга олиш асоси Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва суви ўлчаш тармоғи суви таъминотчи ташкилот томонидан пломбланиши шарт. Шунингдек, ичимлик ва оқова сувини хисобга олиш асосини ечиш, қислашдан ўтказиш ва ўрнатилган конунчиликда ўрнатилган тартиб ва қондаларга асосан амалга оширилади.

2.7. Истеъмолчи ўрнатилган лозим бўлган суви ўлчаш асосининг шартли ўтказгичнинг диаметри (калбири) хисоб-киتاب асосида аниқланади, объектининг максимал суви истеъмолчи ва минимал суви истеъмолчи текширилади ҳамда Истеъмолчи билан келишилади.

Истеъмолчида суви хисобга олиш асосининг ишлаш назорат килинганда, ўлчовларнинг техник тавсифомасида йўл қўйилган минимал чегарадан кам миқдорда суви истеъмол килинган тақдирда Таъминотчи суви ўлчаш узелини амалда сарфланаётган суви хажмига мос, кичикроқ диаметрдаги асосба (берилган кундан кейинги 30 календарь кун ичида) қайта жиҳозлашга кўрсатма беради. Бу кўрсатма бажарилган тақдирда сувдан фойдаланиш ва оқова сувларини чиқариш учун тўловлар Қондаларнинг 87-бандининг "б" кичик бандига мувофиқ амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова суви хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш асосларини ишла тушириш, алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг уланishi Истеъмолчи томонидан факат Таъминотчи тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар Истеъмолчининг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. Таъминотчидан олинган техник шартлар Истеъмолчи буюртмасига асосан, амалдаги метёр, қондалар ва бошқа метёр ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишта туширилиши Таъминотчи томонидан, Истеъмолчи ва қурилиш ташкилот вақилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова суви хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан Истеъмолчи билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб қолади ва Истеъмолчи кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қуйидагилар Таъминотчи билан Истеъмолчи ўртасидаги, коммунал суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариш элементлари (ичимлик суви ва каналлизация тармоқлари, илшоотлар, қурилмалар)га хизмат кўрсатиши, уларнинг техник ҳолатини саслаш ва фойдаланиши юзасидан жавобгарлиқ чегаралари хисобланади:

а) суви истеъмолчи учун — коммунал тармоққа уланishiни узиб қўловчи кириш қулиғи. Кириш қулиғи билан ичимлик сувида уланishi, Истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми хисобланади.

б) оқова сувларини чиқариш (каналлизация) учун — Истеъмолчи каналлизация тизимининг ички қисми хисобланувчи, магистрал каналлизация тармоғига уланishi нуқтасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи каналлизация қудуғи (камераси) магистрал каналлизация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ Таъминотчи коммунал каналлизация тармоғининг бир қисми хисобланади, унга тугаштирувчи фойдаланиш чизми эса Истеъмолчининг маблағи ва воситаларни хисобдан амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) Таъминотчидан, ушбу шартнома асосида, ичимлик суви ва оқова суви чиқариш хизматларининг узлуқсиз равишда ёки Истеъмолчи билан келишилган график асосида амалга оширилишини, ўз мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат (O'zDSt 950-2011 давлат стандартига мувофиқ) ва миқдорда ичимлик суви берилишини талаб қилиш;

б) Таъминотчидан суви хисобга олиш асосларини ўрнатил, уларни белгиланган тартибда ва муддатларда назоратдан ўтказишни талаб қилиш.

а) агар Истеъмолчи суви хисобга олиш асоси билан таъминланмаган бўлса,

б) суви ўлчаш асоси ёки мосламаси Таъминотчида рўйхатдан ўтмаган бўлса,

в) ичимлик суви ва каналлизация тармоқлари ҳамда қурилмаларига ўзбошимчалик билан уланishi олинганда Ўзбошимчилик билан уланishi аниқланганда қатъи оқирли текшируш даъватномаси тузилган ҳудуд, шунингдек агар ўзбошимчилик билан уланishi Таъминотчида текшириш тармоқ ва қурилмаларига иносбат бўлган бўлса, ўзбошимчилик билан уланishi сувида бошлаб у аниқланганда қатъи, барҳам уч олиб муҳлатдан суви буюртмаси ҳақида.

г) суви хисобга олиш асоси Истеъмолчи ақиб билан илган чиксан (суви хисобга олиш асоси) сифатсиз суви билан бирга оқиб келувчи кум, тош ва лойиҳа йиғилиши натижасида илдан чикканилиги ҳақида текшири хулоса мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно), синган, бузилган ва бу ҳақда Таъминотчи хабардор қилинмаган тақдирда (бунда сарфланган суви миқдори, сўнги тузилган даъватнома санасидан то янги суви хисобга олиш асосининг ўрнатилиши санасигача, аммо уч ойдан ошмиқ бўлмаган муддат учун хисобланади);

д) суви хисобга олиш асоси Истеъмолчи таъминотчи томонидан оғохлангирлиш хати юборилгандан сўнг белгиланган муддатда даврий қисловдан ўтказилмаганда.

6.3. Суви хисобга олиш асоси истеъмолчининг айбониз носоз бўлган тақдирда сарфланган суви миқдори олдинги уч хисоб-киتاب ойдаги ўртача сарф бўйича аниқланади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлар мавжуд бўлмаган ёки муддати ўтган ҳоллар Таъминотчи томонидан суви узатиш хизматларини якунлаштириш асос бўлади.

6.5. Истеъмолчи ичимлик ва оқова суви тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда Таъминотчи томонидан ҳоким қарори, кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган уланishi санаси бўйича хисоб-киتاب қилиши ҳақиқидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова суви учун тўловлар Таъминотчи томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида амалга оширилади. Бу тўловлар Истеъмолчи томонидан 3 иш кун ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда Таъминотчи кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кунини учун 0,4 фоиз пеня хисоблайди, аммо унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.7. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги коммунал каналлизация тизимига жала сувлари руҳсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчига иносбат ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизилганлиги учун амалдаги тарифларга иносбатан қўшимча уч баробарлик коэффициент таъбиқ этилади. Хисоб-киتاب ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослангирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал каналлизация тармоқларига нормативдан орткича оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартибига мувофиқ кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

6.8. Оқова суви чиқариш юборишининг ҳажми ва таркиби бўйича метёрлар билан белгиланган оқизилишнинг йўл қўйилган чекланган миқдоридан (Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган нормативларга мувофиқ) орткича оқова сувлар ва ифлослангирувчи моддаларнинг чиқариш таъкикланади.

6.9. Ифлослангирувчи моддаларни нормативдан орткича оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Хисоб-киتابнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобга олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида Истеъмолчи ёзилган эътирозномани тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда Таъминотчи га жойлашган манзилга борган ҳолда ёки Таъминотчининг телефон рақами, электрон почтаси ёхуд почта хизмати орқали тақдим этиши керак. Эътирознома Истеъмолчининг тўлов талабномаси ва ҳужжатида қўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатга тўлашдан озоқ қилмайди.

Эътирознома Таъминотчи томонидан 10 кун муддатга қўриб чиқилади. Улар асосли деб топилса, тўланган орткича сумма кейинги тўлов ҳужжати хисобга ўқазилади. Истеъмолчи эътирознома қўриб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотдан, у тақсим этган телефон рақамини (шу жумладан мазкур телефон рақамининг телеграм ижтимоий тармоғидаги профили) ёки почта хизмати орқали, эътироз қўриб чиқилиши лозим бўлган муддат тугагандан кейин 3 кун муддатда хабардор қилиниши лозим.

Агар қўрсатилган муддат ичида истеъмолчи хабардор қилинмиша, масала истеъмолчи фойдасига хал қилинган хисобланади.

### VII. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома шартларининг бажарилиши ва шартномага оид бошқа ҳолатлар юзасидан келиб чиқадиган nizozлар тарафларнинг ўзаро келишувни орқали хал қилинади. Тарафлар



г) Таъминотчиға ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастлангани туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда.

4.3. Суви ҳисобга олиш асбоби ва ствол заўдфиндидаги пломбанинг сақланмаганлиги ва бут эмаслиги аниқланган тақдирда, сўнгги даволатнома тузилган санадан эътиборан, аммо энг қўли билан уч ойдан ошқин бўлмаган давр учун, Тўловлар Қондаларнинг 87-бандининг "б" қичик бандига мувофиқ амалга оширилади.

4.4. Пломбланган ёнги заўдфинлари ва гидрантларидаги пломбапарни ўзишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

а) Таъминотчи билан келишилган сўнг сув таъминотининг ёнгиға қарши тизими фаолияти текширилганда ва ёнги насослари синаовдан ўтказилганда;

б) Таъминотчини хабардор қилмаган ҳолда ёнги ўчирилганда ва ёнги хавфсизлиги органлари томонидан ёнгиға қарши сув таъминотчи тизимининг синаовлари ўтказилганда.

4.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгиға қарши тизимдан фойдаланиш тўхтатилганда истеъмолчи 24 соат мобайнида Таъминотчиға пломба узилгани туғрисида даволатнома тақдим этиши ва заўдфинларни пломбаёш учун Таъминотчи вакилини чакориши шарт.

4.6. Сув қувурига ўзбошимчалик билан уланган, совуқ суви ҳисобга олиш асбобларининг бузилишига атайлаб йўл қўйган, шунингдек қўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида ҳисобга олиш асбобларига ташқаридан аралашган истеъмолчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

#### V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Истеъмолчи Таъминотчиға, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни кейинги ой учун, агар ҳисобда етарли микдорда олдидан тўлови мавжуд бўлмаса, ҳар ойнинг 10 санасига қадар 70 фоизлик олдидан ҳақ тўлаш тарикасида амалга ошириши лозим.

5.2. Истеъмолчи шартномада белгиланган тўловларни ўз вақтида тўламаган тақдирда тўловларнинг кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 фоизи микдорда пеня тўлайди, аммо бу қўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.3. Таъминотчи шартнома шартлариға мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси қўрсатилмаган хизматлар (бажарилмаган ишлар) баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

5.4. Истеъмолчи ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни шартномада белгиланган шартлар асосида ва тартибда ўз вақтида тўламаसा, Таъминотчи Истеъмолчининг ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб 5 иш кунини ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Истеъмолчининг ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан ўзиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини қўради.

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимидан илгари ўзиб қўйилган (ўзбошимчалик билан уланиш, қарздорлик мавжуд бўлганда ёки шартнома шартлари бажарилмаганда) Истеъмолчини қайта улашда Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш микдорининг 10 (ўн) баробари микдорда тўлов қайта уланиш амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали 3 кундан кечиктирмай тармоққа қайта уланади.

5.5. Оқова тизимиға келиб тушувчи оқова сувнинг микдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб берилмаган ичимлик сув микдорига тенг. Марказлашган иссик сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув микдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициенттача қўлланилади.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудук, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими)ға ва (ёки) марказий оқова тизимдан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда Таъминотчи ташкилот билан шартнома тузиш учун махсус таъиний сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбан (кудук, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимиға оқоваларни окизиш хажми ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг қўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Истеъмолчиға қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаннинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши керак.

#### VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чикиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда Таъминотчи билан даволатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чикиб кетгач, суви ҳисобга олиш асбоби, пломбапарнинг бутлиги ва қолланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига оқланади.

6.2. Қуйидаги ҳолатларда сарфланган ичимлик сув микдори Қондаларнинг 87-бандининг "б" қичик бандига мувофиқ ҳисобланади:

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқлариға хизмат қўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун Таъминотчидан қонунчиликда ва шартнома шартларида қўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш.

г) Таъминотчининг шартномани бекор қилиш туғрисида, унинг бекор қилинишидан қамда 15 кун олддин огоҳлангирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова суви чиқариш бўйича қўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш.

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бегул олиш.

е) Таъминотчидан ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бегул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш бўйича хизматлар қўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги туғрисидаги даволатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида Таъминотчидан носозлик ва қамчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари туғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан тақдискланган амалдаги стандартларға жавоб берадиган сифатли ичимлик сув билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражаға олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

#### 3.2. Истеъмолчи қуйидагиларға мажбур:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзларининг ҳудудида ва тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари ҳамда қурилмаларининг зарур даражада қўриқилишини таъминлаш, уларнинг бузилиши, сув босиши ва музлаб қолишиға йўл қўймаслик, қудуқларнинг қопқогини муз ва қордан тозалаш, Таъминотчи томонидан ўрнатилган пломбапарнинг сақланишини назорат қилиш, ер усти сув оқимларининг қудуқлар ёнидан окизиб юборилишини таъминлаш, ёнги гидрантларига кириб бориш йўлақларини тирбанд қилмаслик, ёнги гидрантлари қўрсаткичларининг ишга яроқлилигини кузатиб бориш ва мавжуд бўлган ёнги гидрантлари ва ёнги қранларини пломбаёш учун тақдим қилиш;

в) турли предмет ва материалларнинг уюм бўлиб сақланишиға, шунингдек ўз ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ичимлик сув, канализация тармоқлари ва қурилмалари ўстида ҳамда ичимлик сув ва канализация ташқи жойлашувда бўлган (қўчада ва квартал ичда) ерларда бирор-бир иншоотларни қуришға йўл қўймаслик. Амалдаги тармоқларда ўзбошимчалик билан қурилган иншоотларда авария содир бўлган тақдирда етказилган зарар учун жавобгарлик қондини бузганининг зиммасига юкланади;

г) транзит коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлар ва қурилмалардаги ўзлари аниқланган носозликлар ёки шикастланишлар ҳақида Таъминотчиға зудлик билан хабар бериш;

д) суви ҳисобга олиш асбобларида яққол қўрилиб турган носозликлар аниқланганда (шу жумладан, таъмина бўлишиға шикаст етган ёки ўзиб ташланганлиги туғрисидаги ҳолат бўйича ҳам) Таъминотчиға унинг электрон почтаси орқали ёки унинг ягона "Call Markazi (1255)" рақамиға қўнғирок қилган ҳолда хабар бериш;

е) шартнома доирасидаги мажбуриятларини бажариш, жорий ойнинг 23-25-санасида суви ҳисобга олиш асбоблари қўрсаткичларини тўғри ва ўз вақтида қайд қилиб бориш, жорий ойнинг сўнгги санасига Таъминотчиға қўрсаткич маълумотларни Таъминотчининг электрон манзили ёки телефон рақами орқали ёхуд Таъминотчи жойлашган манзилға борган ҳолда тақдим этиш ва тўловларни амалга ошириш;

ё) сув сарфи ва оқова сувлар окизилишининг шартномада белгиланган хажмлардан ошириб юборилишиға йўл қўймаслик;

ж) субистеъмолчилардаги сув сарфини назорат қилиш ва барча турдаги суви йўқотишлар олддини олиш бўйича чоралар қўриш.

з) ўзига қарашли ва у хизмат қўрсатиши лозим бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлар ва қурилмалардан техник жиҳатдан самарали фойдаланишни таъминлаш;

и) ишлаб чиқариш оқова сувларидаги ифлосланиш концентрациясини нормативдаги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тақдискланган нормативларға мувофиқ) меъёрларға етказган ҳолда олдидан тозаланишини таъминлаш.

й) канализация тармоқлариға окизиладиган оқова сувлар сифати бўйича мониторинг ўрнатилш;

к) ўз ҳудудида жойлашган сув ўлчаш узели, коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқларида олиб бориладиган барча турдаги ишларни бажаришға бегона шахсларни киритмаслик;

л) Таъминотчи вақтининг иштирокисиз қудуқлар (камералар) қопқогини очишға рухсат бермаслик;

м) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлган ҳолатларда истеъмолчи ҳудудида жойлашган коммунал канализация тармоқлариға ёмғир ва эриган қор сувларининг окизилишиға йўл қўймаслик (Истеъмолчиға



боглик бўлмаган форс-мажор ҳолатларда оқизилиши бундан мустасно). Мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда Таъминотчи вакили, белгиланган тартибда, Истеъмолчига нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш учун асос бўладиган дололатномани тузади.

н) коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқларида, иншоотлар ва қурилмаларда нарядсиз ҳамда Таъминотчининг хизмат гувоҳномасисиз бирор-бир иш олиб бораётган шахслар тўғрисида ички ишлар органларига хабар бериш.

### 3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) Таъминотчи, Истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишда оголантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда суwnи узатиш ва оқова сувларини қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхташи мумкин:

а.а) Истеъмолчига тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати коникарсиз бўлганда ва Таъминотчи вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича Таъминотчи талаблари Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда,

а.б) Таъминотчи мансабдор шахси Истеъмолчининг суwnи хисобга олиш узели, ичимлик сув ва канализация тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда суwnи хисобга олиш асбоби кўрсаткичларини кайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида қўздан кечариш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва Таъминотчи нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда,

а.в) Таъминотчи томонидан Истеъмолчи уланган ичимлик сув ва канализация тармоқлари ва қурилмаларида режаланиш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек янги абонентларни улаш ишлари амалга оширилганда,

а.г) Истеъмолчи тасарруфида бўлган сув таъминоти ва канализация тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимچилик билан улангани аниқланганда;

а.д) Истеъмолчи томонидан сув таъминоти ва оқова сувларини чиқариш хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда,

а.е) Истеъмолчининг тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқларига, қурилмаларига Таъминотчидан уланishi учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланishi рад этилганда,

а.е) Истеъмолчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувлар миклори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

б) Таъминотчи қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхташига ҳақли:

б.а) Таъминотчининг электр таъминоти тўхтатилганда,

б.б) табиий офатлар рўй берганда;

б.в) авария ҳолатларида,

б.г) ёнгин чиққан жойларга сув узатишни қўлайгиришига зарурат туғилганда.

### 3.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва оқова суwnи чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

б) ичимлик сув ва канализация тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

в) сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш (Истеъмолчи билан келишилган график асосида сув бериш ҳолатларидан ташқари);

г) Ўзбекистон Республикаси Табиғий муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан тасдиқланган метёрий ҳужжатлар (ПДС) талаби ва ичимлик сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаларига мувофиқ оқова сувларни тозалаш ишларини ташкил қилишни таъминлаш;

д) тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

е) Истеъмолчининг коммунал сув таъминоти ва оқова суwnи чиқариш тизимларига уланган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда Истеъмолчига амалий ёрдам кўрсатиш;

ё) Истеъмолчиди сувнинг беҳуда оқиб кетиши ва оқилана фойдаланилмаётганлик ҳолатларини аниқлаш, сув бериш ва ундан фойдаланишни катъий назорат қилиш ва хисобга олиш;

ж) Истеъмолчига суwnи хисобга олиш индивидуал асбобларини ўрнатиш, белгиланган тартиб ва муддатларда уларни назоратдан ўтказиб туриш;

з) коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқларида, иншоотлар ва қурилмаларда нарядсиз ҳамда Таъминотчининг хизмат гувоҳномасисиз бирор-бир иш олиб бораётган шахслар ҳақида ички ишлар органлари ходимларига хабар қилиш;

и) шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда Истеъмолчига пеня тўлаш;

й) Истеъмолчининг шартнома шартларига риоя этмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

к) ичимлик сув ва канализация тизимида рўй берган бузилишлар аниқланган кундан бошлаб бир сутка мобайнида уларнинг сабаблари, хизмат кўрсатишдаги тўхтатиш муддатлари ва чекланишлар, шунингдек кўрсатилмаётган хизмат сифатларининг ўзгариши сабаблари ҳақида Истеъмолчига ахборот бериш;

л) ичимлик сув ва канализация хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режалар тўхташиш ва узинишлар ҳақида Истеъмолчини узинишлар бошлангунча 10 иш кунидан кечикмай оголантириш;

м) ичимлик суwnи истеъмол қилишга доир амалдаги ва янги жорий қилинган метёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан Истеъмолчини алоқа воситалари (телефон, электрон почта) орқали хабардор қилиш;

н) ичимлик сув таъминоти ва оқова суwnи чиқариш хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишдан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёки бошқа алоқа воситалари (Таъминотчининг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари, расмий сайти) ёрдамида Истеъмолчини хабардор қилиш;

о) ичимлик сув таъминоти ва оқова суwnи чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш.

## IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Таъминотчи қуйидагилар юзасидан жавоб беради:

а) Истеъмолчини метёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга ҳамда мазкур шартномага мувофиқ ичимлик сув билан таъминлаш, оқова сувларни чиқариш;

б) Истеъмолчига метёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ҳамда қонунчилик асослари ва шартномада кўрсатилган талабларга мувофиқ (O zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофиқ) сифатли ичимлик сув етказиб бериш;

в) Истеъмолчига ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларига уланиш учун ўз вақтида, қонуний асосланган техник шартларни тақдим этиш;

г) суwnи хисобга олиш, индивидуал асбобларини ўз вақтида давлат назоратидан ўтказиш, белгиланган муддатларда Истеъмолчиди суwnи хисобга олиш асбобларининг ечиб олиниши, ўрнатилиши, кўрсаткичлари назорат қилиниши ва текширув ўтказилиши ҳақида оголантириш;

д) Истеъмолчининг мулкига етказилган моддий зарар учун қонунчиликда кўрсатилган тартибда жавоб бериш;

е) шартнома шартлари ва ўзига юқланган мажбуриятларни бажармаганлик

4.1.1. Таъминотчи Истеъмолчининг сув билан таъминлашда қуйидаги сабабларга кўра узинишлар бўлганиди учун жавоб бермайди:

а) Қондаларнинг 129-бандида санаб ўтилган сабабларга кўра сув бериш тўлиқ ёки қисман тўхтаганда;

б) Истеъмолчининг айбига кўра.

4.1.2. Таъминотчи, агар сув таъминоти бўйича кўрсатилмаётган хизматлар сифатининг енгитиб бўлмайдиган куч ёки сув таъминоти хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари Истеъмолчи томонидан бузилганлиги туфайли содир бўлганини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда исботласа, у сифат бузилганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

4.1.3. Тозалаш иншоотлари, насос станциялари қувватининг ёки коммунал сув қувурларининг сув ўтказиш қувватининг етарли эмаслиги туфайли сув таъминотида мунтазам равишда узинишлар бўлган тақдирда Таъминотчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда, Истеъмолчининг унга сув берилиши режалари ҳақида хабардор қилиб, алоҳида тўманларга сув берилиши юзасидан жавоб беради. Шу билан бирга, Таъминотчи Истеъмолчини сув билан нормал таъминлашга тўқсинлик қилаётган сабабларни бартараф этишга доир барча зарур тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, шунингдек суwnи хисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаганда - суwnи бериш соатларига мунтазам равишда қайта хисоб-китоб қилиниши юзасидан жавоб беради.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар юзасидан жавоб беради:

а) канализация тармоғида авария бўлган тақдирда етўла хоналарини сув босишдан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бутлиги, сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатдалиги учун;

б) ўзига қарашли санитария асбоблари, канализация тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли Истеъмолчининг канализация тармоқларида ёки Таъминотчида, ичимлик сув ва канализациянинг ташқи тармоқларида авария (тнқилиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли етўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарар учун;

в) Таъминотчи билан хисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган суwnи хисобга олиш асбоби, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда Таъминотчи томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақланиши учун;



